

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

39-сон
(383)
2009 йил
28 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

423. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрдаги ўРҚ–223-сон Қонуни

424. «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 сентябрдаги ўРҚ–224-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

425. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 сентябрдаги ПҚ–1194-сон қарори

Бешинчи бўлим

426. «Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 25 августдаги 266-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008*)

427. «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2009 йил 19 августдаги 802-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-2*)

428. «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 16 августдаги 2009-21, 83, 01-02/8-14, 5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009*)

429. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 10 сентябрдаги 88, 23/14-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1049-1*)

430. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 10 сентябрдаги 87, 23/13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1149-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 19 сентябрдан 25 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

423 **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 24 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида**»ги 625–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 260–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) **23-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Гаров тўғрисида**»ги 736–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда) **45-моддасининг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Респуб-**

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

ликасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **243-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил,

№ 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **179³-модда** билан тўлдирилсин:

«179³-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбирларни кўрмаслик, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «179²» рақамидан кейин «179³» рақами билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **50-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилади»;

2) **51-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Марказий банк махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда

банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар учун мажбурий бўлган ички назорат қоидаларини тасдиқлайди»;

3) **53-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва тероризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **96-модданинг учинчи қисмидаги** «банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **229-модданинг тўртинчи қисмидаги** «шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **769-модданинг:**

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк омонати шартномасида эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчасини бериш назарда тутилади»;

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) **770-модданинг:**

биринчи қисми «Омонат (депозит) сертификати» деган сўзлардан кейин «эгасининг номи ёзилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) **778-моддадаги** «банк ҳисобварағи шартномасида» деган сўзлар «қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **785-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** «қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 14-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ички назорат қоидалари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби бузилганда»;

тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 38-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 6-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади»;

2) **18-модда:**

Ўзбекча матнининг еттинчи хатбошисидаги «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда) **7-моддаси** қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жисмоний ва юридик шахслар номидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ битимлар тайёрланганда ҳамда амалга оширилганда адвокатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги 358–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўллайди»;

ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **26-модда** қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда

тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сири тўғрисида**»ги 530-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) **8-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Электрон тўловлар тўғрисида**»ги ЎРҚ-13-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 412-модда) **17-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тўлов тизимининг аъзоси — банк тўлов тизимидан фойдаланувчининг топшириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Агар тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин тушса, тўлов тизимининг аъзоси — банк электрон тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг:**

ўн еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи — қирқ иккинчи хатбошилари тегишинча **ўн еттинчи — қирқ биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **5-модда биринчи қисмининг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Қимматли қозғаларга доир битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак»;

4) **32-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) **46-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 сентябрь,
ЎРҚ-223-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

424 «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 26 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида**»ги 220–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 58-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»;

2) **3-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади»;

3) **4-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонанинг мақоми:

уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаганидан кейин;

уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган вазифалар бажарилмаганда ва мақсадларга эришилмаганда тугатилади.

Эркин иқтисодий зонанинг мақомини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади»;

4) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эркин ишлаб чиқариш зоналари экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини, индустриал-иқтисодий зоналарни ва бошқа зоналарни ўз ичига олади»;

5) **9-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9-модда. Юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлари ва имтиёзларига риоя этилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар назарда тутилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига асоссиз аралашуви натижасида уларга етказилган зарарнинг ўрни, шунингдек бой берилган фойда ҳамда етказилган маънавий зиён суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши керак»;

6) **10-модданинг:**

биринчи қисми «Эркин иқтисодий зона» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг» деган сўзлар «юридик ва жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Юридик ва жисмоний шахсларнинг алоҳида ҳуқуқий тартиботни бузиш йўли билан олган даромади (фойдаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириб олинади»;

8) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «божхона хизмати» деган сўзлар «божхона органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **14-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар

Эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (юридик ва жисмоний шахслар) мамлакат инвесторлари ва чет эллик инвесторлар учун тенг шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланади»;

10) **15-модданинг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонага меҳнат ресурсларини жалб этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

11) **17-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонанинг бюджети эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши (бундан буён матнда Маъмурий кенгаш деб юритилади) фойдаланиши ва бошқарувида бўлган ер, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан, хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлардан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади»;

12) **18-модданинг:**

номидаги «иқтисодий зонадан» деган сўзлар «**эркин иқтисодий зонадан**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Низомда» деган сўз «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг тегишли суғурта органлари ва чет эл суғурта компаниялари томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **20-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонанинг фаолияти Маъмурий кенгаш томонидан мувофиқлаштирилади.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси (бундан буён матнда дирекция деб юритилади) эркин иқтисодий зонанинг оператив бошқарув органидир»;

15) **21-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилади.

Маъмурий кенгашга раис бошчилик қилади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги (туман, шаҳар, шаҳардаги туман) чегарасига тўғри келган тақдирда, Маъмурий кенгаш раисининг вазифаларини ижро этиш тегишли ҳоким зиммасига юкланади»;

16) **22-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий кенгаш:

алоҳида ҳуқуқий тартиботга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

эркин иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

эркин иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини амалга оширади;

эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

эркин иқтисодий зонага инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча шартлар белгилайди;

эркин иқтисодий зонанинг ҳар йилги бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Маъмурий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маъмурий кенгашнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (юридик ва жисмоний шахслар) ижро этиши учун мажбурийдир»;

17) **23-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зона чегараларида жойлашган давлат мулки объектлари (ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар, бинолар, иншоотлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасидаги қарорига кўра оператив бошқариш ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида Маъмурий кенгашга топширилиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Маъмурий кенгашга топширилган ер, сув, ер ости бойликлари, бошқа табиий ресурслар ва объектлардан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларнинг муҳофаза қилиниши устидан назоратни таъминлайди»;

18) **24** ва **25-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24-модда. Эркин иқтисодий зона дирекцияси

Дирекция юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Дирекция:

алоҳида ҳуқуқий тартиботнинг амал қилишини таъминлайди;

Маъмурий кенгаш томонидан танлаб олинган инвесторлар мажбуриятлари лозим даражада бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

эркин иқтисодий зонани ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлайди;

эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларининг (юридик ва жисмоний шахсларнинг) рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади;

экологик ҳолатнинг яхшиланиши устидан назоратни таъминлайди, шунингдек тарихий-маданий бойликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлади.

Дирекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Дирекция юридик ва жисмоний шахсларнинг оператив хўжалик, молиявий фаолиятига ҳамда бошқа фаолиятига аралashiшга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

25-модда. Эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш

Эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтади.

Эркин иқтисодий зона ташкил этилиши пайтида унинг ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар дирекцияга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини тақдим этади.

Дирекция рўйхатдан ўтказилган юридик ёки жисмоний шахсга эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар қилади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, дирекция эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ёки жисмоний шахснинг фаолиятини тугатиш ҳамда унга берилган гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли»;

19) **26-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда, меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинаётган ходимда қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатлар сақланиб қолади»;

20) **27-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27-модда. Низоларни ҳал этиш

Эркин иқтисодий зоналар соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 сентябрь,
ЎРҚ-224-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

425 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида иқтисодий, савдо ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида 2008 йил 17 мартдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2009 йил 11 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Протокол тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 сентябрь,
ПҚ-1194-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

426 Почта алоқасида франкирлаш машинасида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008*

(2009 йил 29 сентябрдан кучга киради)

Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон, 209-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Почта алоқасида франкирлаш машинасида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 август,
266-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директорининг
2009 йил 25 августдаги 266-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта алоқасида франкирлаш машинасида
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ почта ало-

қасида франкирлаш машиналаридан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Франкирлаш машинаси оддий ва буюртма хатлар, оддий ва буюртма бандероллар, оддий ва буюртма варақчаларга (бундан кейин — ёзма хат-хабарлар) почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўланганлигини, шунингдек ёзма хат-хабарлар қабул қилинган сана ва жойи, почта манзилини тасдиқлайдиган расман қабул қилинган изларни тушириш учун мўлжалланган.

2. Франкирлаш машиналаридан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари ёзма-хат-хабарларни қабул қилишда, шунингдек почта алоқаси фойдаланувчилари (бундан кейин — фойдаланувчилар) (фақат юридик шахслар) шартнома асосида почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтамтлар)нинг бевосита назорати остида фойдаланиши мумкин.

3. Франкирлаш машинаси қуйидагиларга эга бўлиши керак:

а) почта алоқаси хизматлари учун тўлов суммасини қайд этиш учун махсус қурилма (ҳисоблагич);

б) фойдаланувчи почта манзилининг тамғаси;

в) ёзма хат-хабарларни қабул қилишни амалга оширадиган почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг номи ва қабул қилиш санаси бўлган тақвим штемпель тамғаси;

г) почта алоқаси хизматлари тўланганлигини тасдиқлайдиган тамға (бундан кейин — тўлов изи), франкирлаш машинасининг рўйхатга олиш рақами.

4. Фойдаланувчилар томонидан сотиб олинган франкирлаш машиналари ва почта манзилининг тамғаси уларнинг мулки, тақвим штемпели ва тўлов изининг тамғаси «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг номли буюмлари ҳисобланади.

Франкирлаш машиналари, шунингдек «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ мулки бўлиши ва фойдаланувчиларга ижарага берилиши мумкин.

5. Почта алоқаси хизматларини тўлаш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ номли буюмларисиз франкирлаш машиналаридан фойдаланиш тақиқланади. Франкирлаш машиналарининг тамғаси TSt 45-005 «Почтанинг номли буюмлари ва штамплари» техник шартлар талабларига мувофиқ келиши керак.

6. Ёзма хат-хабарларни қабул қилиш учун почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари томонидан фойдаланиладиган франкирлаш машиналари манзил тамғаси ўрнига «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ логотипига эга бўлиши мумкин.

7. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) томонидан фойдаланувчилар, франкирлаш машинасида расмийлаштирилган ёзма хат-хабарларни қабул қилишни амалга оширадиган, почта алоқаси объектига бириктирилади.

Франкирлаш машинаси тамғасининг изига эга ёзма хат-хабарларни жўнатиш фақат фойдаланувчилар бириктирилган почта алоқаси объекти орқали амалга оширилади.

8. Почта қутисига туширилган франкирлаш машинаси тамғасининг изи бўлган ёзма хат-хабарлар белгиланган жойи бўйича жўнатилмайди, уни жўнатувчига белгиланган тартибда топшириш учун қайтарилади.

II. Франкирлаш машиналарини рўйхатга олиш ва улардан фойдаланиш

9. Франкирлаш машиналаридан фойдаланишга, улар рўйхатга олинганидан ҳамда почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) билан шартнома тузилганидан кейин йўл қўйилади. Франкирлаш машиналарининг мулкдори ҳисобланган почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтаamtлар) учун шартнома тузиш талаб этилмайди.

10. Франкирлаш машиналари ва уларга номли буюмлар тамғасини рўйхатга олиш почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектларида (почта алоқаси боғламалари, почтаamtларда) олиб борилади.

11. Франкирлаш машиналарини рўйхатга олиш рўйхатга олиш варақчалари (1-илова) билан амалга оширилади, унда франкирлаш машинасининг рўйхатга олиш рақами, типи, тайёрловчи- завод, завод (серия, ҳисобга олиш) рақами, чиқарилган сана, мувофиқлик сертификати рақами, франкирлаш машинаси фойдаланувчисининг реквизитлари ёзилади. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt)да франкирлаш машинасидан фойдаланилганда рўйхатга олиш варақчасида уларнинг номи, почта манзили ёзилади ва машинадан фойдаланиш учун масъул почта алоқаси объекти ходими кўрсатилади.

Рўйхатга олиш варақчасининг орқа томонига франкирлаш машинасининг барча тамғаларининг изи туширилади.

12. Франкирлаш машинаси фойдаланувчисининг почта манзили ёки номи ёхуд рўйхатга олиш варақчасига киритилган реквизитлар ўзгарган тақдирда фойдаланувчи франкирлаш машинасини қайта рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

13. Фойдаланишда бўлган франкирлаш машинаси сотилган тақдирда янги фойдаланувчи машинани рўйхатдан ўтказиши ва ундан фойдаланиш учун ҳудудий тегишлилиги бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) билан белгиланган тартибда шартнома тузиши керак.

14. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан франкирлаш машиналари ижарага берилган тақдирда, машинадан фойдаланиш учун шартнома почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) ва ижарачи (фойдаланувчи) ўртасида тузилади. Бунда фойдаланувчи, унинг почта манзили тамғасини тайёрлаш учун буюртма бериши керак.

15. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) вакили томонидан фойдаланувчининг вакили иштирокида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таквим штемпели ва тўлов изининг тамғаси франкирлаш машинасига қўйилади. Бунда, франкирлаш машинаси ҳисоблагичининг кўрсаткичлари қайд этилади.

Зарур бўлганда, почта алоқаси хизматларини такдим этиш учун аванс суммаси киритилиши мумкин.

16. Франкирлаш машинаси почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) вакили томонидан муҳрланади.

17. Франкирлаш машинасидан фойдаланишни жорий этишда почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) вакили томонидан, киритиш вақтидаги ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари белгиланадиган далолатнома уч нусхада тузилади. Биринчи нусхаси фойдаланувчида қолади, иккинчиси франкирлаш машинаси рўйхатга олинган жой бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt)га, учинчиси хизмат кўрсатувчи почта алоқаси объектига юборилади.

18. Франкирлаш машинасининг мулкдори бўлиб почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) ҳисобланса, машинадан фойдаланишга киритиш далолатномаси икки нусхада тузилади.

19. Франкирлаш машинасидан фойдаланганлиги учун шартнома тўхта-тилган ёки франкирлаш машинасининг фойдаланувчиси ўзгарган такдирда номли буюмлар тамғаси машина рўйхатга олинган почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt)га берилади.

20. Таквим штемпели тамғаси йўқ қилинади, бунинг учун почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) раҳбари томонидан комиссия тузилади. Йўқ қилиш механик шикастлаш йўли билан амалга оширилади, бу ҳақда далолатнома тузилади. Далолатномага таквим штемпели тамғасининг изи туширилади.

Почта алоқаси хизматлари тўлови изининг тамғаси франкирлаш машинасидан фойдаланиш учун янги шартнома тузилгунга қадар, фойдаланиш имкониятини истисно қилувчи тартибни таъминлаган ҳолда, почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt)да сақланади.

21. Ёзма хат-хабарларни қабул қилиш амалга ошириладиган почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг ходими франкирлаш машинаси ҳисоблагичининг кўрсаткичини ойда бир марта, ҳисобот даврининг охирида олади, бу ҳақда фойдаланувчи билан бирга бажарилган ишлар далолатномаси тузилади (2-илова), у асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Далолатнома почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти ва фойдаланувчининг раҳбарлари томонидан имзоланади, муҳр излари билан тасдиқланади.

Фойдаланувчилар томонидан хизматлар тўлови ҳисобот ойининг 30 (31) санасидан кечиктирмасдан ҳар ойда тузиладиган бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

Бажарилган ишлар далолатномалари ҳар бир фойдаланувчи бўйича, почта алоқаси объекти ходими ва фойдаланувчининг вакили томонидан имзоланадиган, муҳрлар қўйиладиган, жўнатилган ёзма хат-хабарлар учун рўйхат илова қилиниб, икки нусхада тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси тилхат билан тўлаш учун фойдаланувчига берилади, иккинчиси почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) бухгалтериясига берилади.

III. Яқуний қоида

22. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

2009 йил 20 август

Почта алоқасида франкирлаш
машинасидан фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Рўйхатга олиш варақчасининг намунаси

_____сон **Рўйхатга олиш варақчаси**

(машина типи, тайёрловчи- завод)

Завод (серия, ҳисобга олиш) номери _____ Чиқарилган сана _____
Мувофиқлик сертификати _____

(сертификат рақами)

1. Франкирлаш машинаси фойдаланувчисининг реквизитлари

Фойдаланувчининг номи _____
Почта манзили _____

_____ Телефон _____

Банк реквизитлари _____

Франкирлаш машинасидан фойдаланиш учун масъул ходим

Раҳбар имзоси

М.Ў.

**2. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки
почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси,
почтаamt) реквизитлари**

Почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) номи _____

Почта манзили _____

Франкирлаш машинасидан фойдаланиш учун почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) масъул ходими _____

Фойдаланиш учун шартнома 20__ йил «__» _____ даги ____-сон
Фойдаланишга киритиш санаси _____

Почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt) раҳбарининг имзоси _____

М.Ў.

Почта алоқасида франкирлаш
 машинасидан фойдаланиш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

ТАСДИҚЛАЙМАН

**Бажарилган ишлар
 ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ 20__ йил «___» _____

20__ йил «___» _____ даги _____-сон Шартномага асосан _____

(почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтаamt))

_____ номи (фамилияси, исми, шарифи)

_____ вакили иштирокида
 (фойдаланувчи номи ва фамилияси, исми, шарифи)

франкирлаш машинаси ҳисоблагичининг кўрсаткичи:

20__ йил «___» _____ да _____ сўмни
 олдинги кўрсаткич _____ сўмни
 ташкил қилиши, ёзма хат-хабарлар _____ сўм сумма-
 га маркаланганлиги тўғрисида далолатнома тузилган, тақдим этилган почта
 алоқаси хизматлари тўлови учун машина фойдаланувчиси томонидан олдин
 киритилган авансдан _____

(сумма сўзлар билан ёзилади)

чиқариб ташланиши керак.

Имзолар:

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

427 Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-2*

(2009 йил 29 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 104-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1550, 2006 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 10-сон, 78-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ЖАББОРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 август,
802-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

428 Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009

(2009 йил 29 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 38-модда.) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 август,
2009-21-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 август,
83-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 16 август,
01-02/8-14-сон

С. НОСИРОВ

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 16 август,
5-сон

Б. ХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги,
Давлат божхона қўмитаси ва Давлат
архитектура ва қурилиш қўмитасининг
2009 йил 16 августдаги 2009-21, 83,
01-02/8-14, 5-сон қарорига
ИЛОВА

**Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-
қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона
имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 38-модда) мувофиқ янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қисм

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон қарорига асосан янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбу-

рий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинади.

2. Ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти фақат фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини режалаштириш, қайта режалаштириш, безаш, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган ташкилотдир.

Бунда,

а) бинони режалаштириш деганда текисликдаги горизонтал кесим кўришида бинонинг режалаштирилган ҳажмий тузилмасининг маълум масштабдаги тасвири (чизмалари) тушунилади;

б) бинони қайта режалаштириш деганда бинонинг ва/ёки унинг алоҳида хоналари функционал вазифаларининг ўзгаришига олиб келадиган ишлар мажмуаси тушунилади. Бундай ишларга, жумладан, қуйидагилар кирди:

кўтариб турмайдиган пардеворларни бутунлай ёки қисман алмаштириш;
кўтариб турмайдиган пардеворларда тешиклар тешиш;

муҳандислик ёки сантехника асбоб-ускуналарини алмаштириш;

в) дизайн деганда қулайлик, тежамкорлик ва гўзалликнинг муштараклиги принципига асосланган ҳолда бинонинг олд томони ва ички хоналарини меъморий безаш, интерьер элементларини бадиий конструкциялаш тушунилади;

г) реконструкция деганда бино (хона) ва иншоотларнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини ва функционал вазифаларини (хоналар сони ва майдонини, биноларнинг қурилиш ҳажми ва умумий майдонини) ўзгартириш билан боғлиқ ишлар мажмуи тушунилади;

д) таъмирлаш деганда қуйидагилар тушунилади:

капитал таъмирлаш — бино ёки унинг алоҳида элементларининг фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш билан боғлиқ, бино (бино элементи) мустаҳкамлигини ва қулайлигини таъминлашга йўналтирилган тиклаш бўйича ишлар мажмуи, шунингдек, даҳа ичида эскирган уй-жой муҳандислик тармоқларини алмаштириш ва турар жойларга қайта қуриш, шу жумладан турар жой фондининг уйлари олдидаги ҳудудда ландшафт лойиҳа ечимларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

жорий таъмирлаш — бинонинг ёки унинг алоҳида элементларининг фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаб туриш бўйича ишлар мажмуи;

е) қурилиш иншоотларини тайёр ҳолда топшириш деганда буюртмачининг топшириғига биноан объектда барча ишлар мажмуини бажариш, шу билан бирга лойиҳалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж, махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни техно-

логик ва муҳандислик асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, фойдаланишга тайёр қурилиш маҳсулотини яратиш тушунилади.

3. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлар ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхоналари томонидан фақат ўз кучлари билан бажарилган ишларга қўлланилади.

4. Ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон қарори чиққандан кейин юридик шахс сифатида рўйхатга олинган бўлса, у янгидан ташкил этилган ҳисобланади.

Фаолият кўрсатиб келаётган корхоналарни қайта ташкил этиш йўли билан улар ҳузурида ёки уларнинг мол-мулклари ҳузурида ташкил этилган ташкилотлар янгидан ташкил этилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари сифатида қаралмайди.

5. Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1463-сон, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) мувофиқ бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган солиқлар ва божхона имтиёзлари берилганда бюджетга тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар ҳисоблаб чиқарилмайди ва маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматига киритилмайди.

Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатишни назарда тутмайдиган солиқлар ва божхона имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби юқорида қайд қилинган Низом билан тартибга солинади.

II. Имтиёзларни қўллаш тартиби

6. Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ва преференциялар ушбу Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган аризага асосан тақдим этилади. Ариза давлат солиқ хизмати органларига ёки давлат божхона хизмати органларига икки нусхада тақдим этилади, шулардан биттаси ваколатли органнинг тегишли белгиси билан солиқ тўловчига қайтарилади.

7. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар (божхона расмийлаштируви учун йиғимларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида олиб кирилатган товарларни эркин муомалага чиқариш режимига ўтказиш божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилади.

8. Имтиёзлардан фойдаланган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш

ташкilotлари ҳақиқатда ихтисослашганлигини тасдиқлаш учун йил якуни бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш билан бир вақтда давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ Маълумотнома — ҳисоб-китобни тақдим этадилар. Маълумотнома — ҳисоб-китоб давлат солиқ хизмати органларига икки нусхада тақдим этилади, шулардан биттаси давлат солиқ хизматининг тегишли белгиси билан солиқ тўловчига қайтарилади.

9. Агар ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ҳисобот йили якуни бўйича тақдим этилган Маълумотнома — ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда имтиёзлар тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мос келмаса (ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ҳисобланмаганда), солиқ ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинади ва ушбу тўловларни бюджетга тўлаш мажбурияти қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тикланади.

Корхона имтиёзларни қўллаш учун белгиланган мезонларга мос келмаслиги ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари 10 иш куни ичида давлат божхона органларини аниқланган ҳоллар тўғрисида илгари тўланмаган божхона тўловларини ундириш чораларини кўриш учун хабардор қилади.

III. Якуний қоида

10. Солиқ ва божхона имтиёзларини тўғри қўлланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тақдим этилади _____
(божхона расмийлаштируви жойи бўйича ҳудудий божхона органи)

ёки _____
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

АРИЗА

_____ (корхонанинг тўлиқ номи)

жойлашган манзили _____

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)

3. СТИР

4. ХХТУТ

5. Телефон: код рақам

ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти эканлигини маълум қилади _____

(бажарадиган ишларнинг номи)

Имтиёзни қўллаш учун асос: _____

(норматив ҳужжатнинг номи)

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:	Ваколатли органнинг ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)
СТИР <input type="text"/>	
Ф.И.Ш. _____	
Имзо _____	
Бош бухгалтер	
СТИР <input type="text"/>	
Ф.И.Ш. _____	
Имзо _____	
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)	
	Имзо _____

М.Ў.

Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Йиллик солиқ ҳисоботи билан бирга
тақдим этилади

Тақдим этилади _____

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

_____ (корхонанинг тўлиқ номи)

жойлашган манзили _____

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)

3. СТИР

4. ХХТУТ

5. Телефон: код рақам

МАЪЛУМОТНОМА — ҲИСОБ-КИТОБ

_____ йил учун

Имтиёзни қўллаш учун асос:

_____ (норматив ҳужжатнинг номи)

Маҳсулот номи	Миқдори	минг сўм
		Жами бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан % да
Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва реализация қилинган товарларнинг умумий ҳажми, жами шу жумладан:		
объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида қайта режалаштириш, безаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қуриш ишлари		
фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш, шу билан бирга томларни таъмирлаш, уйлар ичидаги муҳандислик коммуникацияларини алмаштириш ва кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини мукамал таъмирлаш ишлари		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

429 «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1049-1*

(2009 йил 3 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2001 йил 23 июндаги 68 ва 14/26-сон қарори (рўйхат рақами 1049, 2001 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисида»ги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 сентябрь,
88-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 сентябрь,
23/14-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

430 «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1149-7

(2009 йил 3 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 66 ва 218-В-сонли қарори (рўйхат рақами 1149, 2002 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 11-12-сон) билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 сентябрь,
87-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 сентябрь,
23/13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 19 сентябрдан 25 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 25 августдаги 266-сонли буйруғи.*

2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008 (2009 йил 29 сентябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2009 йил 19 августдаги 802-сонли буйруғи.*

2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-2 (2009 йил 29 сентябрдан кучга киради).

3. «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қуриш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 16 августдаги 2009-21, 83, 01-02/8-14, 5-сонли қарори.*

2009 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009 (2009 йил 29 сентябрдан кучга киради).

4. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 10 сентябрдаги 88, 23/14-сонли қарори.*

2009 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1049-1 (2009 йил 3 октябрдан кучга киради).

5. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни

қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 10 сентябрдаги 87, 23/13-сонли қарори.*

2009 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1149-7 (2009 йил 3 октябрдан кучга киради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг куйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

